ТАСДИҚЛАЙМАН
Қашқадарё вилояти сув омборларидан
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи
_____________ Х.Пармонов
"____" ____________ 2021 йил

# НУҚСОН ДАЛОЛАТНОМА

2021 йил 14 апрель Ғузор тумани

Бизлар ким ушбу далолатномани тузиб имзо чекувчилар Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиқ ўринбосари Х.Алимов, Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бош муҳандиси С.Рахимов, ТИТЭ ва МС бош мутахассиси С.Холбоев, Пачкамар сув омбори участка бошлиғи Б.Шомирзаев ва Пачкамар сув омбори муҳандиси Ғ.Мийлиевлар билан биргаликда ўрганиб Ғузор туманидаги "Пачкамар" сув омборининг сув чиқариш иншоотидаги авария ва ишчи затворларини кўтариш учун хизмат қиладиган электр винтли 12 дона кўтариш қурилмаларини алмаштириш" объекти бўйича қуйидаги иш турларини бажариш лозимлиги аниқланди.

| Т/р | Аниқланган нуқсонлар | Нуқсонларни бартараф қилиш учун бажариладиган ишлар |
|---|---|---|
| | | |
| 1 | Сув чиқариш иншоотининг 12 дона ЭВ-30 русумли юк кўтариш механизми қониқарсиз (яроқсиз) ҳолда. | Қониқарсиз ҳолда келиб қолган ЭВ-30 русумли 12 дона юк кўтариш механизимини алмаштириш лозим. |
| 2 | Сув чиқарувчи иншоотнинг 2,5х2,5 м затвори зичлагич қисмлари яроқсиз. | Сув чиқарувчи иншоотининг 12 дона ўлчами 2,5х2,5 м. затвори зичлагич қисмларини алмаштириш лозим. |
| 3 | Затворлар ҳолатини кўрсатувчи ДПЗ лар қониқарсиз (яроқсиз) ҳолда. | Затворлар ҳолатини кўрсатувчи 12 дона замонавий ДПЗ ларни ўрнатиш лозим. |
| | "Пачкамар" сув омбори фавқулодда сув чиқариш иншоотида АСУ тизимини ўрнатиш. | |
| 1 | Сув чиқариш иншоотида сув сатҳини кўрсатувчи қурилма мавжуд эмас. | Сув чиқариш иншоотида 12 дона онлайн сув сатҳини кўрсатувчи қурилмаларни ўрнатиш лозим. |
| 2 | Сув чиқариш иншооти сув чиқиш қисмига сув сарфини кўрсатувчи қурилма мавжуд эмас | Сув чиқариш иншооти сув чиқиш қисмида сув сарфини кўрсатувчи 12 дона онлайн қурилмалар ўрнатиш лозим. |
| 3 | Сув омбор тўғони танасидаги пьезометрларни ҳолатини онлайн кўрсатувчи қурилма мавжуд эмас. | Сув омбор тўғони танасидаги 76 дона пьезометрларга ҳолатини онлайн кўрсатувчи қурилмалар ўрнатиш. |
| 4 | Фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида маълумотларни автоматик аниқлаш ва хабар бериш тизими мавжуд эмас. | Фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида маълумотларни автоматик аниқлаш ва хабар бериш қурилмасини ўрнатиш лозим. |
| | | |

Изоҳ: Барча иш турларига ва ҳажмларга ишчи-лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида аниклик киритиш лозим деб;

Ушбу далолатномани тўғри деб имзо чекувчилар:

Бошлиқ ўринбосари: Х.Алимов

ТИТЭ ва МС бош мутахассиси: С.Холбоев

Қашқадарё вилояти сув омборларидан
фойдаланиш бошқармаси бош муҳандиси: С.Рахимов

Пачкамар сув омбори участка бошлиғи: Б.Шомирзаев

Пачкамар сув омбори муҳандиси: Ғ.Мийлиев

“Ғузор туманидаги “Пачкамар” сув омборининг сув чиқариш иншоотидаги авария ва ишчи затворларини кўтариш учун хизмат қиладиган электр винтли 12 дона кўтариш қурилмаларини алмаштириш” объектига
АННОТАЦИЯ.

**Лойиҳани амалга оширишга асос:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 августдаги 601-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 июндаги 25/1-1248-сонли топшириғи

**Умумий кўрсатгичлар:** Ғузор тумани Оби хаёт кўрғонидаги “Пачкамар” сув омбори ўзанли ҳисобланиб 1964-1968 йилларда қуриб фойдаланишга топширилган, лойиҳачи ташкилот “Узгипроводхоз” ОАЖ, қурувчи ташкилот “Қашқадарёсувқурилиш” тресті, Пачкамар ПМК. Сув омбори тўғон узунлиги 587 м. максимал баландлиги 74 м, умумий максимал хажми – 260,0 млн.м$^3$, фойдали ҳажми – 192,59 млн.м$^3$ , ўлик ҳажми - 67,41 млн. м$^3$.

Сув омборининг сув эгаллаган ер майдони КПУ 496,5 м да 12 400,0 га.

НПУ 495,30 м. да 10860,0 га. УМО 484,70 м. да 4700,0 га. (лойихавий)

Сув чикариш иншооти кувати -30 м3/с. Фавқулодда сув чиқариш иншооти сув ўтказиш қобилияти -480 м3/с.

“Пачкамар” сув омбори фавқулодда сув чиқариш иншоотидаги 12 дона, ўлчами 2,5х2,5 метрли ясси затворлар ва кўтаргичлар ва затворлар холатини кўрсатувчи ДПЗ ларни алмаштириш зарур.

Бундан ташқари иншоотнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш учун сув чиқариш иншоотида АСУ автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий этишда 12 дона затворлар бошқаруви электро двегателларни замонавий русумдагисига алмаштириш, сув ҳажмини юқори аниқликда кўрсатувчи датчикларни ўрнатиш, тўғон танасидан сизиб ўтувчи сизот сувлари сатҳини кўрсатувчи пьезометрлар холатини кўрсатувчи автоматик қурилмани жорий этиш, датчиклар орқали иншоотнинг автоматик бошқарувини ташкил этувчи қурилмаларни ўрнатиш.

Фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида маълумотларни автоматик равишда ахоли, туман ҳокимлиги, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва тегишли давлат органларига етказиш тизимни жорий этиш.

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 2800,0 млн.сўм маблағ талаб этилади.

**Мавжуд муоммо:** Фавқулодда сув чиқариш иншооти тури минорали бўлиб, унда 12 дона ўлчами 2,5 х 2,5 метрли ясси затворлар жойлашган, бугунги кунда затворлар яроқсиз ҳолатда. Иншоот кўп йиллардан буён ишлаши натижасида затворларнинг кўтариш механизмлари эскирган, кўтариш механизмини харакатлантирувчи подёмник ички деталлари, зичловчи

мосламалари (бронза) фтулкалари яроқсиз ҳолда, затвор ҳолатини кўрсатувчи ДПЗ лар ишламайди.

**Кутиладиган натижа:** лойиҳада белгиланган тадбирларни амалга оширилиши натижасида, сув омбор фавқулодда сув чиқариш иншооти затворидан сизиб чиқадиган сувлар бартараф этилади, иншоотни ишончли ишлаши таъминланади, масофадан бошқариш ва онлайн маълумотларни тақдим этиш ва назорат қилиш имконияти яратилади, сув омбор қуйи қисмидаги 6 та қишлоқ, Ғузор туманидаги 36 мингдан ортиқ аҳоли ҳамда 2 та давлат стратегик аҳамиятига эга корхоналар ва 30 дан ортиқ давлат муассасалари хавфсизлиги таъминланади.

Қашқадарё вилояти сув омборларидан
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи: Х.Пармонов

# «Пачкамар» сув омборининг бош режаси



# «Пачкамар» сув омборининг бош режаси

